- биргаликда, яъни кредит шартномаси билан бирга уч томонлама кафиллик шартномасини имзолаш. Бу ҳужжатни банк-кредитор, қарз олувчи ва кафил расмийлаштиради.

Ҳалқаро амалиётда кафолат ва кафилликлар кредит таъминотининг шаклларида ҳисобланади. Булар ҳам гаров каби кредитор манфаатларини юридик ва иқтисодий томондан ҳимоя қилади. Буларнинг гаровдан фарқли томони шуки, бунда жавобгарлик қарздорнинг эмас, балки учинчи шахс – кафилнинг зиммасига тушади.

Кафолатнинг бошқа бир турига кўра қарздор билан яқин алоқада бўлган барқарор молиявий корхона кафил бўлиши

**АҚШда узоқ муддат давомида «10+10» принципи қўлланилган. Бунда қарз олувчи кредитни олишдан олдин 10% ва олгандан кейин яна 10%, жами 20% миқдордаги пулни банкка депозитга қўйиши керак бўлади. Лекин бу ҳолатда кафолат кредитор манфаатларини қисман ҳимоя қилишга хизмат қилади, холос.**



мумкин. Бунда гарант корхона ҳақида маълумотлар керак бўлади. Агар корхона ҳам шу банкда ҳисобварақ очган бўлса, унинг кредитга лаёқатлилигини ҳисоблаш қийинчилик туғдирмайди, лекин у бошқа банкда ҳисобварақ очган бўлса, унинг кредитга лаёқатлилигини ўрганиш бирмунча мураккаб жараён ҳисобланади.

Кафолатнинг самарадорлиги бир қатор омиллар билан боғлиқ:

- кафилнинг молиявий ҳолатини банк томонидан реал баҳолаш;
- кредит беришдан олдин банк кафил билан учрашиб, унинг ушбу мажбуриятни ўз гарданига олишга ва лозим бўлганда тўлашга тайёрлигига ишонч ҳосил қилиши керак;
- кафиллар ўзларининг имкониятлари етмайдиган суммага кафолат бермасликлари лозим.

Гаров механизми, кафолат, кафиллик ва бошқалардан фойдаланишда ҳозирги амалиётда қуйидаги асосий камчиликлар мавжуд:

- кредит таъминотининг иккиламчи шаклларини қайта баҳолаш ва мижознинг кредит-

га лаёқатлилигини баҳолаш, пул оқимини таҳлил қилишдаги камчиликлар;

- гаров объектининг сифати, уни сақлаш ва ундан фойдаланиш тартиби;
- кафилнинг молиявий ҳолати устидан дастлабки ва кейинги назорат қилиш механизмнинг йўқлиги;
- гаров шартномаси шартларининг ҳақиқатдаги риск билан мос келмаслиги;
- гаров шартномалари ва кафиллик хатларини расмийлаштиришда уларнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келадиган камчиликлар.

Ўзбекистонда кредит таъминотининг иккиламчи шаклларини ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапирганда уларнинг ҳар бирида мавжуд бўлган рискларни баҳолашга ҳам аҳамият бериш лозим. Бу борада Германия тажрибасини ўрганиш ва қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу ерда банклар таъминот самарадорлигини баҳолашнинг 3 балли тизимидан фойдаланадилар ва унга мос равишда кредитнинг юқори чегарасини белгилайдилар.

Кафиллик (кафолат) ва қимматли қоғозлар гаровига нисбатан паст балл олинган. Ка-

филнинг кредитга лаёқатлилиги юқори бўлганда кредит миқдори 100%, шубҳали бўлганда эса кафиллик шартномаси ёки кафолат хатидаги суммага нисбатан камроқ белгиланиши мумкин.

Банк кафолати ва кафиллик асосий мажбурият (кредитни қоплаш бўйича) бажарилишини таъминлаш усули сифатида кўп умумий хусусиятларга эга. Банк-кредитор ва қарз олувчидан ташқари ссуда операцияларида банк кафолати ёки кафил қатнашади. Аммо банк кафолати ва кафил ўртасида аниқ фарқлар мавжуд:

1. Банк кафолати (кафилликдан фарқли равишда) асосий мажбуриятга боғлиқ эмас.

2. Мажбурият субъектлари бўйича. Қонун бўйича банк кафолатлари сифатида фақат кредит муассасалари ва суғурта ташкилотлари қатнашиши, кафил сифатида эса турли юридик ва жисмоний шахслар иштирок этиши мумкин.

3. Муносабатларни ўрнатиш шакли бўйича. Банк-кафиллар банк-кредиторлар билан банк кафолати шартномасини тузадилар ёки уларга кафолат хати юборадилар. Кафиллик муносабатлари эса банк-кредитор

Кўпчилик (асосан кам тажрибали) кафиллар келгусида қандай ҳолат юзага келишини, қарз олувчи олган кредитини қачон қайтаришини ёки буни хоҳлаш-хоҳламаслигини ёхуд кредитни қайтара олмаслигини тахмин қила олмайдилар.

ва кафил ўртасида кафиллик шартномаси тузилиши натижа-сида ўрнатилади.

Буюк Британиялик тажрибали иқтисодчиси Кристофер А. Блумфилд кафолат бераётган пайтда баъзи бир қоидаларга эътибор қаратишни маслаҳат беради. Бунинг учун сиз қуйидагиларга ишонч ҳосил қилишингиз керак:

1) Кафолатланаётган шартноманинг мустаҳкамлигига ишониш;

2) Берилган кредитни қоплаш имконияти ва манбалари масалаларини яхшилаб кўриб чиқиш;

3) Банк-кредитор билан кафолатни тақдим этиш тўғрисида келишиш, бунда кафолат суммаси сизнинг активларингиз қийматидан юқори бўлмаслиги керак.

Лекин амалиётда банклар ўз мулкани кафиллик таъминоти асосида қарз олувчига қарзга беришга дадил ботина олмаяпти. Ҳозирда мажбурият ижроси таъминотнинг иккиламчи манбаи бўлган «Кафиллик» билан таъминланганида мажбурият бажарилмаслигини ёки лозим даражада бажарилмаслигини вужудга келтирувчи салбий ҳолатлар юз бермоқда, булар жумласига:

1. Кафиллик билан таъминланган мажбурият ижроси даврида қарздорнинг ҳам, кафилнинг ҳам молиявий аҳволи ёмонлашуви ва тўлов қобилиятини йўқотиши.

2. Кафил ва қарздорнинг ўзаро боғлиқлиги;

3. Ўзи мулкдор бўлмагани ҳолда ғаразли манфаатни кўзлаб мулкдор розилигисиз кафилликка ўтиш.

Амалдаги қонун ҳужжатлари асосида бу муаммоларнинг ижобий ечимини топиш анча мушкуллик туғдирмоқда. Бундан ташқари, кафиллик лаёқатига эга бўлган шахсни топиш, кафиллик хизмати учун қўшимча харажатларнинг талаб этилиши хизмат кўрсатиш соҳаси тизими субъектларининг банк кредитларидан фойдаланиш имкониятини чеклаб қўйиб, улар ривожига салбий таъсир этмоқда. Мамлакатнинг бутун иқтисодиёти пойдевори бўлган хизмат кўрсатиш инфратузилмаси фаолиятини ривожлантиришда ва айниқса оғир экологик муҳит таъсирида бўлган Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатиш инфратузилмаси субъектлари учун таъминотнинг соддалаштирилган, лекин ишончли бўлган услубларини қўллаш зарур. Фикримизча, субъект мулкдорининг мулкый мажбуриятни зиммасига олиш кафиллиги таъминотини олишни шундай услублар сирасига киритиш мумкин. Чунки, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, амалдаги қонун ҳужжатлари қоидаларига биноан субъект мулкдори субъектнинг фаолияти жараёнида келиб чиқувчи мажбурият учун жавобгар эмас ва лекин фаолият давомида кўрилган зарарни субъект мулк-

кидаги улуши доирасида қоплаши белгилаб қўйилган. Демак, субъект мулкдорининг ўз-ўзидан учинчи шахс деб тан олинishi ва мулкдорнинг мулкый мажбуриятни зиммасига олиш тўғрисидаги қарори асосида кредит муносабатларида мажбурият ижросини таъминлаш учун қабул қилиниши қонунга хилоф эмас. Бунинг устига, таъминот тадбирларини амалга ошириш анча қулай, қўшимча харажатлар талаб қилинмайди ва, энг асосийси, мажбурият бажарилмаган тақдирда ундирувчи таъминот объектига ҳеч бир монеликсиз ва қарздор мулкдорининг қонун билан тақиқланмаган бутун мол-мулкига қаратиш имконини беради.

Банкларнинг активларни жойлаштириш, шу жумладан, кредитлар бериш билан боғлиқ фаолияти энг юқори даромад келтирувчи фаолият бўлиши билан бирга, энг юқори таваккалчиликка асосланган фаолият ҳамдир. Бозор институтлари шаклланиб улгурган, иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида қарз олувчилар тўғрисида объектив маълумотларнинг йўқлиги банкларнинг кредит фаолиятидаги таваккалчилик даражасини кескин оширади.

## ABSTRACTS

### THE ROLE OF SURETY IN THE LENDING OF COMMERCIAL BANKS OF UZBEKISTAN

In this article, the author discusses the instrument of surety as a guarantee of repayment of loans and makes suggestions on the need for simplified but reliable methods of collateral for businesses.

# МЕЖДУНАРОДНЫЕ ПЛАСТИКОВЫЕ КАРТЫ VISA



**KAPITALBANK**

71 200 15 15

Услуги лицензированы

 **КАПИТАЛБАНК**

**РУБЛИ ПО  
ВЫГОДНОМУ КУРСУ**



Услуги лицензированы



# БАНК ФАОЛИЯТИНИ МАКРОПРУДЕНЦИАЛ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ УСЛУБИЙ ВА АМАЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Салим Тоғаев,**  
**Жамшидбек Абдурасулов,**  
Самарқанд иқтисодиёт  
ва сервис институти

**М**оҳиятан олганда, мазкур вазифалар мажмуини миллий банк сектори фаолиятини макропруденциал тартибга солиш тизимини шакллантиришга йўналтирилган тадбирлар комплекси деб ҳисоблашимиз мумкин.

Макропруденциал тартибга солиш тизими элементлари, ишлаш механизмлари ва воситаларининг кенг қўламли эканлигини ҳисобга олган ҳолда мазкур тизимнинг банк миссияси ва стратегиясини амалга ошириш самарадорлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти, шунингдек, таъсир доирасининг таҳлили асосида тегишли хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш билан чекланамиз.

Беvosита таҳлил жараёнига ўтишдан олдин бир қатор муаммоларни қайд қилишимиз зарур. Фикримизча, бу макропруденциал тартибга солиш механизми роли ва аҳамиятини баҳолашга хизмат қилади. Мазкур муаммолар бир томондан макропруденциал назорат тизимини шакллантириш жараёнига тегишли бўлса, иккинчи томондан улар турли табиатга

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3270 сонли Қарорида тижорат банкларининг капиталлашув ва ликвидлилик даражасини ошириш, банк рискларини баҳолаш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш йўналишларидан бири сифатида FSAP дастуридан<sup>1</sup> фойдаланган ҳолда банк назорати бўйича халқаро Базель комитети талаблари доирасида банк рискларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, тижорат банклари ликвидлилик позициясини стресс-тестдан ўтказишнинг ягона услубиётини ишлаб чиқиш йўли билан банк тизимини институционал ривожлантириш ва банк рискларини баҳолаш ҳамда бошқариш тизимларини такомиллаштириш вазифаси белгилаб берилган.*

эга рискларнинг банк фаолиятига таъсирига алоқадордир.

Эътироф этиш зарурки, банк назорати бўйича Базель III келишуви меъёрларининг қўлланилиши банк фаолиятини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда шундай омиллар мавжудки, улар қайд қилинган келишув мезонларининг банк фаолиятига жорий қилиниши барча турдаги рискларнинг бартараф

этилишини таъминлаб бериши эҳтимоли максимал даражага чиқишига тўсқинлик қилади.

Хусусан:

◆ капиталнинг максимал даражаси инқироздан қутқара олмайди. Тан олиш зарурки, инвесторлар «кайфияти» ва келажакка бўлган прогнозлар ўзгарган пайтда (айниқса, ривожланган мамлакатларда), юқори даражада капиталлашган банклар ҳам уларнинг наза-

<sup>1</sup> Молия секторини баҳолаш дастури (Financial Sector Assessment Program).



рида капиталлашув даражаси паст ва тўловга қодир бўлмаган банк сифатида чиқиши мумкин. Бундай ҳолат 2007–2008 йиллар давомида ҳам кузатилган эди. ХВФнинг инқирозга оид ҳужжатларида қайд этилишича, капитал билан таъминланиш даражаси кўрсаткичи инқироз даврида катта аҳамият касб этмади. Фақат узоқ давр мобайнида жуда катта миқдордаги капиталнинг банк балансида сақланиши инқироздан қутқариши мумкин;

◆ капиталнинг етарлик даражасини баҳолашда рискларга тортилган активлар кўрсаткичи қўлланилади. Рискларнинг тегишли даражаси ретроспектив тарзда аниқланади. Базель келишуви доирасида аниқланган рискларга тортилган активлар бўйича риск даражаси рецессия даврида бирор аҳамият касб этмади. Бунинг бош сабаби инвесторлар ёки тартибга солиш органларининг

хатоликларида эмас, балки юзага келиши эҳтимоли бўлган рискларни аниқ баҳолаш имкониятининг йўқлигида эди, деб ҳисоблашимиз мумкин. Чунки ўзаро алоқадорлик ва тобелик даражаси юқори бўлган, кескин ўзгарувчан иқтисодий шароитда рисклар ўз табиати ва юзага келиш шаклини доимий тарзда ўзгартириб туради;

◆ банк фаолиятида юзага келаётган рисклар мониторинги учун мамлакат ичидаги ва хорижий молия бозорлари ва кредит ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги аниқ (текширилган) маълумотлар талаб қилинади. Қуйида қайд этилган бир қатор сабабларга кўра мазкур маълумотларни олишнинг ўзи етарли муаммоларни юзага келтиради: а) тартибга солиш ва таҳлил қилиш учун зарурий маълумотларнинг қонунчилик нормалари билан чекланиши; б) баъзи бозорлар/молиявий маҳсулотлар (хусусан, ком-

плекс характердаги хизматлар) тўғрисидаги маълумотларни очиш борасидаги чекловлар; в) нобанк кредит ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни йиғиш борасидаги қийинчиликлар; г) фаолият якунлари бўйича ҳисоботларни чоп этиш муддатларига риоя қилинмаслиги (ёки кечикиш).

Мазкур иш доирасида юқорида эътироф қилинган муаммолар ва ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда макропруденциал тартибга солиш тизимини шакллантириш бўйича Европа Марказий банки ҳамда банк назорати меъёрларини ишлаб чиқиш ваколотига эга халқаро ташкилотлар фаолиятини таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

## ИЛМИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ

Халқаро валюта фондининг Глобал молиявий барқарорлик масалалари бўйича докладида (2018 йил октябрь) қайд этилишича: «Потенциал тизимли рискларга тегишли хавфларни бартараф этиш учун молиявий тартибга солиш ва назоратдан фаол тарзда фойдаланиш зарур. Кенг асосга, хусусан, капитални шакллантиришнинг контрциклик захираларига эга бўлган макропруденциал назорат инструментлари молиявий шароит «мўътадил» ҳолатда ва ташқи рискларга сезувчанлик даражаси юқори бўлган мамлакатларда қўлланилиши лозим. Шунингдек, банк секторидан ташқарида юзага келаётган хавфларни бартараф этиш йўли билан молиявий барқарорликни таъминлаш жараёнида янги макропруденциал инструментларни жорий қилиш та-

**Ўзаро алоқадорлик ва тобелик даражаси юқори бўлган, кескин ўзгарувчан иқтисодий шароитда рисклар ўз табиати ва юзага келиш шаклини доимий тарзда ўзгартириб туради.**



қозо этилади. Ниҳоят, тартибга солиш ва назорат органлари пруденциал назорат тизими таъсири доирасидан ташқарида бўлган киберхавфсизлик, молиявий технологиялар ва бошқа кўринишлардаги янги рискларга нисбатан хушёр бўлишлари керак»<sup>2</sup>.

Россия Марказий банки макропруденциал назорат тизимининг янги механизмларини жорий этиш йўналишида 2018 йил 31 августда 4892-У сонли «Активлар турлари, риск коэффицентларига қўшимча ўрнатилган активлар турларининг хусусиятлари ва кўрсатилган активлар турларига капитал етарлиги нормативларини ҳисоблаш учун қўшимчаларни қўллаш услубиёти» тўғрисидаги Кўрсатмани қабул қилди. Шунингдек, банк учун қарз юкламаси кўрсаткичи бўйича талаблар амалиётга киритилди<sup>3</sup>.

Фикримизча, макропруденциал тартибга солиш тизимини «банк фаолиятининг умумий меъёрлари ва мезонларини белгилаб берувчи, унинг услубий базасини шакллантирувчи, ахборот таъминотини амалга оширувчи ҳамда банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш юзасидан тадбирлар мажмуасини шакллантирувчи тизим» сифатида таснифлаш мақсадга мувофиқ.

Келтирилган таснифга таянган ҳолда макропруденциал назорат тизими асосий элементларининг моҳиятини тадқиқ этишга ҳаракат қиламиз. Фикримизча, макропруденциал назорат тизими қуйидаги таркибий элементлардан иборат:

1. Банк фаолиятининг умумий меъёрлари ва мезонларини белгилаш банк фаолиятининг кўлами ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уч асосий йўналишда олиб борилади: а) глобал тизимни ташкил қилувчи банклар фаолиятини тартибга солиш; б) минтақавий аҳамиятга эга бўлган йирик банклар фаолиятини тартибга солиш; в) макропруденциал тартибга солиш тизими фаолиятини амалга оширувчи назорат органлари ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш.

2. Макропруденциал тартибга солиш тизими органлари томонидан банк стратегиясини шакллантиришнинг услубий базасини яратиш жараёни ўз таркибига келгуси тадбирлар мажмуасини олади: а) банк назорати бўйича халқаро Базель келишуви талабларининг моҳияти ва уларни банк фаолиятига жорий қилиш услубиёти юзасидан меъёрий талаблар акс эттирилган ҳужжатлар мажмуасини тайёрлаш

ва банклар эътиборига етказиш; б) миллий банк тизимининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда талабларни қайта ишлаб чиқиш ва жорий қилиш муддатларини белгилаш; в) талабларнинг банк фаолиятига жорий этилиши ҳолатини назорат қилиш учун махсус ҳисоботлар мажмуасини ишлаб чиқиш; г) банк назорати соҳасини ривожлантириш стратегиясининг асосий мақсадлари, мўлжаллари ва унга эришиш воситаларини аниқ белгилаб бериш.

3. Макропруденциал назорат тизимини шакллантиришда асосий эътибор миллий ва трансмиллий статистика органлари ўртасида ўзаро ҳисоботлар алмашуви тизимини яратиш, бошқарув талабларига мос келувчи статистик маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашни ташкил қилиш ҳамда турли статистик органлар ўртасида ваколатларни тақсимлашга қаратилади.

4. Банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш банк балансларини «кенг қамровли баҳолаш» ва уларни ўзгартириш дастурини амалга ошириш ҳамда мамлакатларнинг энг аҳамиятли банклари учун ягона тикланиш механизми йўналишларини қамраб олади.

**Макропруденциал тартибга солиш тизимини «банк фаолиятининг умумий меъёрлари ва мезонларини белгилаб берувчи, унинг услубий базасини шакллантирувчи, ахборот таъминотини амалга оширувчи ҳамда банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш юзасидан тадбирлар мажмуасини шакллантирувчи тизим» сифатида таснифлаш мақсадга мувофиқ.**

<sup>2</sup> <https://www.imf.org/ru/Publications/GFSR/Issues/2018/09/25/Global-Financial-Stability-Report-October-2018>.

<sup>3</sup> [https://www.cbr.ru/hd\\_base/](https://www.cbr.ru/hd_base/).

Макропруденциал тартибга солиш тизими томонидан бир қатор йўналишлар бўйича қуйидаги тадбирлар комплекси ишлаб чиқилган ва амалга оширилган:

1. Глобал тизимли аҳамият касб этувчи молия-кредит институтлари фаолиятини тартибга солиш борасидаги тадбирлар қуйидаги тўрт асосий йўналишда амалга оширилди:

- молия-кредит ташкилотларининг банкротлиги ҳолатида солиқ тўловчилар бюджет маблағларини жалб этишни талаб қилмайдиган, тартибга солишнинг самарали инструментларини яратиш;

- глобал тизимни ташкил қилувчи молия-кредит институтлари капиталига нисбатан талабларни кучайтириш;

- глобал молия-кредит институтлари фаолияти устидан назорат тизимининг интенсивлиги ва самарадорлигини ошириш;

- глобал молия бозори инфратузилмаларининг барқарорлигини таъминлаш.

Глобал тизимни ташкил қилувчи банклар рўйхатига 2016 йил якунларига кўра 30 банк, жумладан, 4та Хитой банки (Bank of China, ICBC, Agricultural Bank, China Construction) кири-

тилган<sup>4</sup>. 2016 йилдан бошлаб мазкур банкларнинг капиталига нисбатан кучайтирилган талаблар жорий қилинди. Мазкур жараён 2019 йилда якунланиши режалаштирилган.

«G-20» гуруҳига кирувчи мамлакат раҳбарларининг 2015 йил Анталья шаҳрида (Туркия) ўтказилган саммитида глобал тизимни ташкил қилувчи банклар учун зарарларни қоплашнинг умумий имкониятлари стандарти (TLAC)ни жорий этиш юзасидан таклифлар қабул қилинди<sup>5</sup>.

TLAC талабларининг амалиётга жорий қилиниши икки босқичда амалга оширилиши назарда тутилган:

**1-босқич:** а) талаблар 2019 йилнинг 1 январидан кучга киради; б) TLACнинг минимал кўрсаткичи рискларга тортилган активларга нисбати 16 фоиз, аммо Базель III талаблари доирасида левераж коэффициенти (6 фоиз)дан кам бўлмаслиги зарур.

**2-босқич:** а) янги кучайтирилган талаблар 2022 йилнинг 1 январидан кучга киради; унга кўра б) TLACнинг минимал кўрсаткичи рискларга тортилган активларга нисбати 18 фоиз, аммо Базель III талаблари доирасида левераж коэффициенти

(6,75 фоиз)дан кам бўлмаслиги зарур.

Бунда шуни таъкидлаш зарурки, шаклланаётган бозорларга эга мамлакатлар юрисдикцияси остидаги глобал тизимни ташкил қилувчи банклар учун 2025 йилнинг 1 январидан TLACнинг минимал талаблари кўрсаткичи рискларга тортилган активларга нисбатан 16 фоиз, аммо Базель III талаблари доирасида левераж коэффициенти (6 фоиз)дан кам бўлмаслиги, 2028 йилдан мос тарзда 18 ва 6,75 фоизга тенг бўлиши лозим.

2016 йилнинг сентябрь ойида Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида ўтказилган «G-20» гуруҳига кирувчи мамлакатлар раҳбарларининг саммитида Халқаро валюта фонди, Халқаро ҳисобкитоблар банки ва молиявий барқарорлик Кенгашининг қўшма маърузаси эълон қилинди. Унда турли мамлакатларда макропруденциал сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан йиғилган тажриба умумлаштирилган ва мавжуд муаммолар эътироф қилинган. Маърузада макропруденциал тартибга солиш тизимининг яхлит, барча мамлакатлар томонидан расман тан олинган методологик ёндашу-

Турли мамлакатларда қўлланилаётган макропруденциал тартибга солиш тизими тамойиллар ва хусусиятлар жамланмасидан иборат бўлиб, макропруденциал тартибга солишнинг доимий тизимини ишлаб чиқиш, рисклар ва уларни бартараф қилиш юзасидан чора-тадбирлар, иқтисодийнинг барча тармоқларини қамраб олувчи (тизимли) рискларни баҳолашга интеграцияланган ёндашувларни ўз ичига олади.

<sup>5</sup> Principles on Loss-absorbing and Recapitalisation Capacity of G-SIBs in Resolution Total Loss-absorbing Capacity (TLAC) Term Sheet. Financial Stability Board. 9 November 2015; <http://www.fsb.org/wp-content/uploads/TLAC-Principles-and-Term-Sheet-for-publication-final.pdf>.

ви мавжуд эмаслиги қайд қилинган. Турли мамлакатларда қўлланилаётган макропруденциал тартибга солиш тизими тамойиллар ва хусусиятлар жамланмасидан иборат бўлиб, макропруденциал тартибга солишнинг доимий тизимини ишлаб чиқиш, рисклар ва уларни бартараф қилиш юзасидан чора-тадбирлар, иқтисодийнинг барча тармоқларини қамраб олувчи (тизимли) рискларни баҳолашга интеграцияланган ёндашувларни ўз ичига олади. Макропруденциал сиёсатнинг амалга оширилиши молиявий барқарорлик Кенгаши, молия секторини баҳолаш Дастури, Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки томонидан доимий асосда ўрганилиши назарда тутилган<sup>6</sup>.

2. Банк назорати бўйича Базель III халқаро келишувининг асосий компонентлари бўлган талаблар: а) капиталга ва рисклар бўйича маълумотларни очишга нисбатан кўйилган талабларнинг кучайтирилиши, б) қисқа муддатли ликвидлилик кўрсаткичи, в) левераж коэффициенти, г) соф барқарор молиялаштириш кўрсаткичини ишлаб чиқиш, банк назорати бўйича Базель комитети аъзолари бўлган мамлакатлар банк сектори фаолиятига тўлиқ жорий қилинганлиги таъкидланди<sup>7</sup>.

Шу ўринда банк фаолиятини тартибга солиш юзасидан сезиларли муваффақиятга эришган Европа Марказий банкида йиғилган тажрибанинг алоҳида жиҳатларини тадқиқ қиламиз.



«G-20» гуруҳига кирувчи мамлакат раҳбарларининг 2015 йил Анталья шаҳрида (Туркия) ўтказилган саммитида глобал тизимни ташкил қилувчи банклар учун зарарларни қоплашнинг умумий имкониятлари стандарти (TLAC)ни жорий этиш юзасидан таклифлар қабул қилинди.

Европа минтақасида амалга оширилаётган банк бизнесида даромадлилик даражасининг пастлиги, муддати ўтган кредит ҳажмининг тўхтовсиз ошиб бориши, шубҳали активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захираларга ажратмалар миқдорининг катталиги ҳамда vulnerable countries сифатида таснифланувчи мамлакатлар<sup>8</sup> иқтисодийнинг нобарқарорлиги Евро зонасининг банк секторидида юқори даражадаги тизимли рисклар сақланиб қолишига олиб келди. Бундай рисклар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

◆ Иқтисодий ва молиявий инқирозлар. Улар активларнинг қиймати ва банклар

даромадлиги даражасига салбий таъсир қилиш билан бир қаторда инвесторларнинг Евро зонаси банк секторига бўлган ишончини пасайтиради;

◆ Миллий иқтисодийда ислохотларнинг амалга оширилишидаги камчиликлар, банкларни рекапитализациялашга бўлган талабнинг инобатга олинмаслиги, облигациялар бўйича даромадлилик даражасининг ошиб бориши натижасида суверен қарзлар бозорида кўплаб муаммолар юзага келиши;

◆ Жаҳон молия бозорларидаги кескин ўзгарувчанликнинг сақланиб қолиши;

◆ Инқироз ҳолатлари давом этаётган мамлакатлардаги

<sup>6</sup> International Monetary Fund. July 2016; <http://www.imf.org/external/pubs/ft/scr/2016/cr16231.pdf>.

<sup>7</sup> Tenth Progress Report on Adoption of the Basel Regulatory framework. Basel Committee on Banking Supervision. April 2016. <http://www.bis.org/bcbs/publ/d366.pdf>.

<sup>8</sup> Бундай мамлакатлар жумласига Кипр, Греция, Ирландия, Италия, Португалия, Испания ва Словения киради.

банк секторининг капиталлашув жараёни муаммолари.

Европа банк тизими фаолиятини барқарорлаштириш ва унга бўлган ишончни мустаҳкамлаш учун Евро зонасида Банк иттифоқи (Banking Union<sup>9</sup>) ташкил қилинди. Мазкур иттифоқнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши назарда тутилган:

- молия хизматларини кўрсатишнинг ягона қоидалари жамланмаси (single rule book for financial services)<sup>10</sup>;

- ягона назорат механизми (single supervisory mechanism, SSM)<sup>11</sup>;

- евро зонасига кировчи мамлакатларнинг энг аҳамиятли банклари учун ягона тикланиш механизми (single resolution mechanism, SRM)<sup>12</sup>ни ишлаб чиқиш.

2013 йил 15 октябрь кунини Европа Кенгашининг 1024/2013-сонли қарори эълон қилиниб, унда ягона назорат механизмини шакллантириш ва жорий қилиш бўйича Европа Марказий банкининг вазифалари ва сиёсати белгилаб берилди. Лойиҳани амалга ошириш учун 2013–2014 йиллар давомида энг аҳамиятли кредит ташкилотларида (significant) банк активларининг реал ҳолати, банкларнинг тўловга қодирлик даражаси, иқтисодий

Европа Марказий банки евро зонаси банк секторида жамланган активларнинг 82 фоизига эгалик қилаётган 120та энг аҳамиятли банклар фаолиятини бевосита назорат қилади, қолган деярли 3,5 минг банк учун назорат стандартларини ишлаб чиқади.

конъюнктуранинг ўзгаришига банкларнинг сезувчанлиги масалаларини «кенг қамровли баҳолаш» (comprehensive assessment) тартиб-тамойили амалга оширилди.

Ягона назорат механизмини бошқариш учун 2014 йилнинг бошида назорат бўйича Кенгаш (Supervisory Board) ташкил қилинди. Ягона назорат механизмини шакллантириш борасидаги ташкилий фаолият қуйидаги йўналишларни қамраб олди:

Биринчи йўналиш – Европа Марказий банки томонидан бевосита назорат қилинувчи энг аҳамиятли кредит ташкилотларини танлаш тамойилларини ишлаб чиқиш. Танлов қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилди:

- ◆ кредит ташкилоти ихтиёридаги активларнинг умумий суммаси 30 млрд. евродан ошиқ бўлиши;

- ◆ кредит ташкилоти активлари суммасининг тегишли мамлакат ялпи ички махсулотининг 20 фоизидан ошиқ бўли-

ши (активлар суммаси 5 млрд. евродан кам бўлмаслиги шарт билан);

- ◆ кредит ташкилоти мамлакат энг аҳамиятли уч кредит институтларидан бири бўлиши.

Бундан ташқари, энг аҳамиятли кредит ташкилотлари жумласига фаол трансмиллий операцияларни олиб борувчи ёки молиявий барқарорликни таъминлаш Европа фонди (European Financial Stability Facility)<sup>13</sup> ёки Европа барқарорлаштириш механизми (European Stability Mechanism)<sup>14</sup> дастурлари доирасида молиявий кўмак олаётган банклар киритилди.

Иккинчи йўналиш – назорат фаолияти бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш. Бунда банкларнинг аҳамиятлилик даражасини аниқлаш, ягона назорат механизмини амалга оширишда Европа Марказий банки, трансмиллий назорат ташкилотлари<sup>15</sup> ва евро зонаси мамлакатлари банк органлари ўртасида ваколотларни тақсим-

<sup>9</sup> Европа иттифоқининг расмий сайти [http://ec.europa.eu/finance/general-policy/banking-union/index\\_en.htm](http://ec.europa.eu/finance/general-policy/banking-union/index_en.htm) маълумотлари асосида.

<sup>10</sup> Асос: <http://www.eba.europa.eu/regulation-and-policy/single-rulebook>.

<sup>11</sup> Асос: [http://ec.europa.eu/finance/general-policy/banking-union/single-supervisory-mechanism/index\\_en.htm](http://ec.europa.eu/finance/general-policy/banking-union/single-supervisory-mechanism/index_en.htm).

<sup>12</sup> Ягона тикланиш механизми банкротлик ҳолатида келиб қолган евро зонаси банкларига молиявий кўмак бериш учун ташкил қилинган. Унинг дастурлари 2016 йилнинг январидан ўз фаолиятини бошлаган, Махсус фонд фаолияти Single Resolution Fund, SRF орқали амалга оширилади.

Асос: [http://ec.europa.eu/finance/general-policy/banking-union/single-resolution-mechanism/index\\_en.htm](http://ec.europa.eu/finance/general-policy/banking-union/single-resolution-mechanism/index_en.htm).

<sup>13</sup> Расмий сайти манзили: <http://www.efsf.europa.eu/about/operations/index.htm>.

<sup>14</sup> Расмий сайти манзили: <http://www.esm.europa.eu>.

<sup>15</sup> Бунда Европа банк кенгаши (EBA), молиявий назорат бўйича Европа тизими (SSES), тизимли рисклар бўйича Европа кенгаши (ESRB); суғурталаш ва нафақалар соҳасидаги назорат бўйича Европа кенгаши (EIOPA) ва бошқа бир қатор ташкилотлар назарда тутилади.

лаш, фаолиятни мувофиқлаштириш каби кўплаб масалаларга эътибор қаратилди.

Учинчи йўналиш – ягона назорат механизмининг ташкилий тузилмасини шакллантириш. Мазкур вазифанинг бажарилишида асосий эътибор энг аҳамиятли кредит ташкилотлари фаолиятини мунтазам кузатиб бориш ва уларнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги турли аналитик материалларни тайёрлаш (supervisory review and devaluation process, SREP), шунингдек, рискларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш (risk assessing system, RAS) каби ишларни бажарувчи бирлашган назорат гуруҳлари тармоғининг (joint supervisory teams, JSTs)<sup>16</sup> ташкил қилинишига қаратилди.

3. Янги назорат механизми фаолияти самарадорлигини таъминлаш учун статистик маълумотларни йиғиш тизимини ташкил қилиш. Тизим биринчи навбатда рискларни баҳолаш дастури талабларини қаноатлантириши лозим бўлиб, маълумотлар таҳлил қилинаётган банклар рискнинг маълум турига мойиллигига қараб гуруҳланади. Бунда бир қатор ахборот модулларининг қўлланилиши назарда тутилади. Масалан, назорат маълумотлари модули молиявий назоратнинг Европа тизими (European System of Financial Supervisors) ҳисоботи кўрсаткичларига асосланади ва унда банкларнинг молиявий ҳолати

ҳамда тўловга қодирлиги бўйича батафсил маълумотлар акс эттирилади<sup>17</sup>.

4. Банк балансларини «кенг қамровли баҳолаш» ва уларни ўзгартириш дастурини амалга ошириш. Дастур ўзаро боғлиқ икки элементни ўз ичига олади:

- банк балансидаги активлар сифатини баҳолаш (asset quality review, AQR). Бунда бош эътибор баланс ва балансдан ташқари позициялар бўйича кредит ва бозор рискларини таҳлил қилиш, ссудалар бўйича муддати ўтган қарзларга қаратилади;

- стресс-тестдан ўтказиш. У биринчи элемент натижаларини тўлдирган ҳолда банкларнинг молиявий конъюктуранинг ноқулай ўзгаришига чидамлилигини баҳолашга хизмат қилади.

Эътироф қилиш зарурки, 2014 йилнинг 4 январидаги пресс-релиз орқали Европа Марказий банки «евро зонаси банклари фаолияти устидан назорат ўрнатиш бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олиши»ни баёнот берди<sup>18</sup>. Назорат шакллантирилган ягона назорат механизми тузилмаси ёрдамида амалга оширилади. Европа Марказий банки евро зонаси банк секторида жамланган активларнинг 82 фоизига эгалик қилаётган 120та энг аҳамиятли банклар фаолиятини бевосита назорат қилади, қолган деярли 3,5 минг банк учун назорат стандартларини ишлаб чиқади.

Мазкур мақола доирасида ўтказилган тадқиқотлар якунига кўра, фикримизча, бир қатор хулосалар шакллантирилиши мумкин:

Биринчидан, макропруденциал тартибга солиш тизими фақат назорат функциялари билан чекланмасдан, шунингдек, банк фаолиятининг умумий меъёрлари ва мезонларини ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Иккинчидан, макропруденциал назорат тизими элементлари зиммасига аниқ вазифаларнинг қўйилиши ва уларга мос бўлган ваколатларнинг берилиши банк назорати самарадорлигини белгилаб берувчи омил ҳисобланади.

Учинчидан, макропруденциал тартибга солиш тизими таркибий тузилмасида статистик маълумотларни йиғиш тизимининг ташкил қилиниши банк фаолиятини назорат қилиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

## ABSTRACTS

### MACROPRUDENTIAL REGULATION OF BANKING ACTIVITIES AND ITS METHODOLOGICAL AND PRACTICAL FEATURES

In his article, the author talks about the system of macroprudential regulation as a system that defines the general norms and criteria of the bank's activity, forms its methodological base, provides information support and forms a set of measures to ensure the financial stability of the banking system.

<sup>16</sup> [www.bankingsupervision.europa.eu/banking/approach/jst/html/index.en.html](http://www.bankingsupervision.europa.eu/banking/approach/jst/html/index.en.html) маълумотлари асосида.

<sup>17</sup> [http://europa.eu/rapid/press-release\\_MEMO-09-404\\_en.htm](http://europa.eu/rapid/press-release_MEMO-09-404_en.htm) маълумотлари асосида.

<sup>18</sup> [www.ecb.europa.eu/press/pr/date/2014/html/index.en.html](http://www.ecb.europa.eu/press/pr/date/2014/html/index.en.html) маълумотлари асосида.


# АГРОБАНКНИНГ ЯНГИЛАНАЁТГАН ҚИЁФАСИ



**Нажибуддин Джиянов,**  
«Агробанк» АТБ  
HR (ходимларни бошқариш)  
департаменти директори

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида Парламентга Мурожаатномасида инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар қилишимиз шартлиги таъкидлаб ўтилди.*

*Иқтисодиёти тараққий этган мамлакатлар ривожланиш тарихига назар солсак, давлат бюджети харажатларида таълимга, инсон капиталига қилинадиган харажатнинг ЯИМдаги улуши анчагина катта миқдорни, масалан, Америка Қўшма Штатларида 4 фоизгачани ташкил қилади<sup>1</sup>. Ўзбекистонда Президентимиз ташаббуси билан бу кўрсаткични ошириш юзасидан ишлар жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.*



**Ж**аҳон бозорида ўзининг ўрнига эга бўлган салоҳиятли номдор брендларга эга ташкилотлар ҳам ўз ходимларини ўқитиш, малакасини оширишга катта эътибор қаратади. Масалан, Жанубий Кореянинг Samsung компанияси ўз ходимларига сармоя киритишни келажакда муваффақиятга эришишнинг асоси деб билади. Компания ўз ютуқларини унда фаолият юритаётган замонавий фикрловчи, инновация технологиялари соҳасида етакчи ходимларнинг салмоғи юқорилиги билан ўлчайди. Компания ўз ходимларининг билим ҳамда салоҳиятини ошириш бўйича дунёдаги юзлаб савдо нуқталарида узлуксиз ўқув-тренинглар ўтказиб келади.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан банк фаолиятининг илғор халқаро тажрибасидан андоза олиб, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, рақамли технологияларга асосланган масофавий хизмат турларини кенгайтириш ҳамда амалдаги

Бугун Агробанк тизимида туб ўзгаришлар даври бошланди. Банкда янги, замонавий банк фаолиятини татбиқ қилиш бўйича трансформация (ўзгариш, янгиланиш) жараёни кетмоқда. Банкни келажакда ривожлантириш бўйича ўрта ҳамда узоқ муддатли стратегиялар ишлаб чиқилган.


хизматларни соддалаштириш каби муҳим вазифалар белгиланган. Айни дамда «Агробанк» тизимида ушбу қарор ва тегишли топшириқлар ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда асосий эътибор банк мижозларига кўрсатилаётган хизматлар сифати ҳамда қулайлигини оширишга қаратилган.


Банкда ходимларни ўқитиш ҳамда қайта тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, бугун банк фаолияти ўзининг янги босқичига ўтиб, мижозлар таркибий қисми (базаси) қамрови кенгайтирилмоқда.

Банк ташкил топган илк кунларидан буён асосий фаолият йўналиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб бериш бўлган мижозлар ҳамда

фермер хўжалиқларига хизмат қилиб келган. Айнан шу тенденция аҳолининг онгида ўрнашиб қолган эди.

Юқорида айтилганидек, бугун Агробанк тизимида туб ўзгаришлар даври бошланди. Банкда янги, замонавий банк фаолиятини татбиқ қилиш бўйича трансформация (ўзгариш, янгиланиш) жараёни кетмоқда. Банкни келажакда ривожлантириш бўйича ўрта ҳамда узоқ муддатли стратегиялар ишлаб чиқилган. Жараёнга банк-молия тизимида юқори натижаларга эришган илғор хориж мамлакатлари экспертлари жалб қилинган. Лойиҳага асосан, банк томонидан бугун аҳолига янгидан-янги банк маҳсулотлари таклиф қилинмоқда, халқаро стандартларга уйғунлашиш жараёни жадал олиб борилмоқда.





Президентимизнинг жорий йил 13 августдаги «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ тадбиркорларга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш ва турларини кўпайтириш мақсадида намунавий тарзда банкнинг Янгийўл филиали қошида «Зангиота Банк хизматлари маркази» ташкил қилинди. Тизимда татбиқ қилинган янгиликлар билан ходимларни таништириш ҳамда замонавий банк маҳсулотларини аҳолига таклиф этиш, ходимларни универсал банк хизматларини кўрсатиш ҳамда замонавий маркетинг қилиб тайёрлаш бўйича банкнинг республикадаги 178та филиали раҳбар ходимларининг ушбу намуна-

вий филиалда бўлиб ўтган икки кунлик семинар-тренингда иштирок этишлари таъминланди.

Банк тизимидаги ислохотлар борасида сўз юритилар экан, 2018 йил 13 август кунини мухтарам Президентимиз Ш.М. Мирзиёев томонидан «Тижорат банклари фаолиятидаги тизимли муаммолар, уларнинг банк тизими молиявий барқарорлигига ҳамда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири» мавзусига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида кўтарилган масалалар ҳамда банкларга юклатилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, тижорат банклари Раислари ўзларига хорижий банкларнинг етакчи мутахассисларидан иборат маслаҳатчилар олиши, уларнинг тажрибаларидан кенг фойдаланилиши вазифалари белгилаб берилган эди. Ушбу кўрсатмалар ижроси юзасидан

банкда «Агробанк» АТБга хорижий банклар ёки молиявий муассасаларда иш тажрибасига эга бўлган малакали ходимларни ишга олиш тўғрисида»ги Низомга асосан Даниянинг «Creative Group Digital» компаниясида консультант лавозимида ишлаб, фаолият юритган ҳамюртимиз Сидиқов Шахбоз Шоакмалович банк Бошқаруви Раиси маслаҳатчиси лавозимида номуайян муддатга ишга қабул қилинди. Даниянинг нуфузли компанияларида фаолият юритган Шахбоз Сидиқовнинг иш тажрибаси, жумладан, ташкилотда рақамли маркетинг инфратузилмасини кенг татбиқ қилиш, халқаро молиявий ташкилотларнинг илғор тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон молия бозорига тўғри келадиган янги банк хизматларини ишлаб чиқиш бўйича тавсияларидан унумли фойдаланиб, истеъмолчиларга

**Тадбиркорларга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш ва турларини кўпайтириш мақсадида намунавий тарзда банкнинг Янгийўл филиали қошида «Зангиота Банк хизматлари маркази» ташкил қилинди.**



янгидан-янги маҳсулот турлари таклиф қилиб келинмоқда.

Халқаро тажрибани чуқурроқ ўрганиш мақсадида жорий йил давомида банк томонидан Бош офис ҳамда филиаллардан жами 65 кишининг хорижий мамлакатлар нуфузли молиявий институтлари, жумладан, Германиянинг Ландесбанки, Венгриянинг Эксимбанки, Туркиянинг Зираат банки, Россия Федерациясининг Сбербанки, Грузиянинг «TBC Bank» муассасаси ҳамда Қозоғистоннинг Тенге банкларига, қолаверса Ҳиндистон, Хитой, Корея давлатларига тажриба алмашиш мақсадида хизмат сафарига боришлари ташкил қилинди.

Хорижий молия институтлари тажрибаси ўрганилиб, маҳаллий менталитет нуқтаи

назаридан таҳлил қилинди ҳамда банк хизматларини кўрсатиш борасидаги ютуқларни банкка татбиқ этиш юзасидан ҳамкорлик қилишга оид келишувларга эришилди. Бу борада айниқса Сингапур Республикасининг «Suntronix» PTE LTD компанияси билан имзоланган икки томонлама шартнома диққатга сазовордир. Ушбу компания бугунги кунда дунё банк-молия ҳамда маркетинг соҳасида ўзининг ўрнига эга бўлиб, «Агробанк» АТБда дастлаб бошланган олтига, яъни банк тизимида замонавий ахборот технологияларини қўллаш, кичик ва ўрта бизнес, чакана бизнес, банк ғазначилиги (актив-пассив операциялари), таваккалчилик (риск) менежменти ҳамда HR (ингл. human

resources, инсон ресурсларини бошқариш) йўналишларидаги трансформация жараёнида бевосита иштирок этмоқда.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, давлат иқтисодиёти ривожини, Ўзбекистоннинг 2035 йилда жаҳондаги етакчи иқтисодиётларнинг «Топ-50» рўйхатига кириши (Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш концепцияси)да инсон капиталига қилинадиган харажат асосий, ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилмоғи керак. Бунда иқтисодиётнинг қон томири бўлмиш банкларнинг соғлом фикрли кадрлар билан таъминланиши ислохотлар натижадорлиги дастаги бўлмоғи даркор.

## ABSTRACTS

### UPDATED IMAGE OF AGROBANK

In his article, the author talks about the beginning of a period of radical changes in the Agrobank system, the work carried out in the Bank, the transformation process for the implementation of new, modern banking activities.

Реклама ўрнида.

Сингапур Республикасининг «Suntronix» PTE LTD компанияси «Агробанк» АТБда банк тизимида замонавий ахборот технологияларини қўллаш, кичик ва ўрта бизнес, чакана бизнес, банк ғазначилиги (актив-пассив операциялари), таваккалчилик (риск) менежменти ҳамда HR (инсон ресурсларини бошқариш) йўналишларидаги трансформация жараёнида бевосита иштирок этмоқда.



## «ЎЗМИЛЛИЙБАНК» ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРМОҚДА

*Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида сўнгги пайтларда бир-биридан қизиқ анжуману тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Айниқса, ҳудудларда ташкил этилаётган пресс-турлар ҳар томонлама мазмунли кечаётир. Чунки мазкур тадбирларда журналистлар банкнинг молиявий кўмагида амалга оширилаётган йирик инвестицион ва давлат дастурлари доирасидаги лойиҳалар билан жойларда яқиндан танишиб, тадбирқору аҳоли билан жонли мулоқот қилишмоқда.*

Яқинда банк томонидан ОАВ вакиллари учун Сирдарё вилоятига навбатдаги пресс-тур ташкил этилди. Унда иштирокчилар «Ўзмиллийбанк» томонидан молиялаштирилган Ўзбекистон-Хитой «АWP» МЧЖ қўшма корхонаси, «SHIRIN AGRO NUR» МЧЖ, «Воҳа Баракаси»

мини-маркети ва Сирдарё вилояти «Ўзмиллийбанк» бўлими фаолияти билан яқиндан танишишди.

Дастлаб иштирокчилар Сирдарё вилояти, Сирдарё туманидаги Ўзбекистон-Хитой «АWP» МЧЖ қўшма корхонасида бўлишиб, ишлаб чиқариш жараёнини кузатишди.

«АWP» қўшма корхонаси Wenzhou Jinsheng Trade Co., Ltd, PENG SHENG МЧЖ қўшма корхонаси ва Олмалик кон-металлургия комбинати муассислигида 2013 йилда ташкил этилган бўлиб, айти дамда корхонада қарийб 300 нафарга яқин ёшлар меҳнат қилмоқда.

«АWP» қўшма корхонаси Wenzhou Jinsheng Trade Co., Ltd, PENG SHENG МЧЖ қўшма корхонаси ва Олмалик кон-металлургия комбинати муассислигида 2013 йилда ташкил этилган бўлиб, айти дамда корхонада қарийб 300 нафарга яқин ёшлар меҳнат қилмоқда.

Жўмрак ва шу каби сантехника воситаларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган, Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган корхона йилига икки миллион донадан ортиқ турли хилдаги маҳсулотлар чиқармоқда. Энг асосийси, тайёр товарлар маҳаллий хомашё асосида тайёрланмоқда. Бу эса унинг таннархи чўнтакбоб бўлишига асос бўлаётир.



Хитой технологияси бўйича тайёрланаётган мазкур жўмраклар ички бозордан ташқари МДХ давлатларига ҳам сотилмоқда. Шу кунларда бошқа хорижий мамлакатлар бозорига кириш бўйича чоралар кўриляптир.

– Шу кунларда маҳсулотларнинг турини ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича тегишли чора-тадбирларни олиб бораёмиз, – дейди **корхона бош директори ўринбосари Ғофуржон Аҳмедов**. – Бундан мақсад – маҳсулотларнинг 30 фоизидан ошиғини четга сотиш. Ўтган йили корхонамиз 1,5 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги маҳсулотни хорижга экспорт қилган бўлса, жорий йилнинг 8 ойида мазкур кўрсаткич 1,5 млн. АҚШ долларидан ортди. Йил охирига қадар бу кўрсаткич янада ошиши кутилмоқда. Чунки шу кунларда кўплаб халқаро кўргазмаларда иштирок этиб, харидорлар билан самарали шартномалар имзолаёмиз. Уларга ўз вақтида маҳсулот етказиш эса олдимизда турган муҳим вазифалардан саналади.

Корхона шу йиллар мобайнида ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш мақсадида «Ўз-миллийбанк» билан ҳамкор-

ликда бир қатор лойиҳаларни амалга оширди. Жумладан, яқинда қиймати 9,9 миллион АҚШ доллари бўлган лойиҳани молиялаштириш учун банкдан маълум миқдорда молиявий кўмак олди. Натижада корхонанинг навбатдаги лойиҳаси ҳаётга татбиқ этиладиган бўлди.

Шуниси эътиборлики, мазкур корхона ҳар қандай кишида катта таассурот қолдиради. Ишлаб чиқариш жараёнининг ўзи бир олам, ходимларга яратилган шароитлар ҳам аъло даражада. Ишчилар учун тамаддиҳоналар, дам олиш масканлари, ҳатто чўмилиш ҳовузларигача бунёд этилган.

Қолаверса, корхона рўпарасида Ўзбекистон–Хитой боғи ишлаб турибди. У ерда спорт майдонларию, болажонлар учун ташкил этилган турли ўйингоҳлар кишининг мароқ

билан дам олишига хизмат қилади.

Пресс-тур давомида иштирокчилар Сирдарё вилояти, Ширин шаҳридаги «SHIRIN AGRO NUR» масъулияти чекланган жамиятининг гидропоника усулида бунёд этилган иссиқхонасида бўлишиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёни билан танишишди.

Қайд этиш жоизки, гидропоника усулининг ишчи кучи кам талаб қилиниши, ҳосилдорлик ва озуқа таъсирчанлигининг юқори бўлиши, ўсимликнинг кам касалланиши каби қатор қулайликлари бор.

Корхона 2018 йили ўз сармояси ва банкнинг 567,8 минг АҚШ доллари миқдоридаги сармояси ҳисобига Эрон технологияси асосида 1 гектар майдонга гидропоника усулида иссиқхона бунёд этди. Натижада ўтган йилнинг ўзида етиш-

**«SHIRIN AGRO NUR» масъулияти чекланган жамияти 2018 йили ўз сармояси ва банкнинг 567,8 минг АҚШ доллари миқдоридаги сармояси ҳисобига Эрон технологияси асосида 1 гектар майдонга гидропоника усулида иссиқхона бунёд этди. Натижада ўтган йилнинг ўзида етиштирилган илк маҳсулотлар хорижга экспорт қилинди.**



тирилган илк маҳсулотлар хорижга экспорт қилинди.

– Мана шу бир йил биз учун синовли ўтди. Чунки гидропоника усулида ҳосил олишнинг ўзига хос жиҳатларини ўргандик, тажриба орттирдик. Ўтган йили 120 тонна помидор олган бўлсак, бу йил ҳосилни 200 тоннага етказишни мўлжаллаб турибмиз. Бундай ҳосилдорлик бизни янада руҳлантирмоқда. Шу боис келгуси йилда яна 2 гектар майдонга худди шундай иссиқхона ташкил этиш ниятидамыз, – дейди **корхона иш бошқарувчиси Санжар Ашуров**.

Иссиқхонадаги иш жараёнини кузатарканмиз, бир гектар майдондаги барча юмушларни еттита ишчи эплашининг гувоҳи бўлдик. Тизим тўлиқ автоматлаштирилган. Помидорлар экилганига ҳали бир ой бўлмаган, лекин тез етилиб, ҳосилга кириш арафасида. Иш бошқа-

рувчининг айтишича, октябрь ойдан маҳсулотлар тўлиқ экспортга йўналтирилади.

Сўнги йилларда юртимизда давлат дастурлари асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, турмуш фаровонлигига, ҳудудларнинг янада обод бўлишига эришилмоқда. Жумладан, «Обод қишлоқ» дастури доирасида ҳам юртимизда кўплаб бунёдкорлик ишлари қилинмоқда. Бу йўналишда «Ўзмиллийбанк» ҳам бир қатор самарали лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Бугунги кунда Ховос тумани «Соҳибкор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ҳам ана шундай ўзгаришлар жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Вилоятнинг қўшни давлат билан чегарадош ушбу ҳудудида айни кунда аҳоли учун кўплаб қулайликлар яратилмоқда. Жумладан, яқинда банк томонидан ажратилган сармоя

ҳисобига «Воҳа Баракаси» мини-маркети қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу эса соҳибкорларни узоқ йўл босиб туман марказига боришдек ташвишдан халос этди. Чунки шу давргача мазкур маҳаллада аҳолининг кунлик эҳтиёжини қондирадиган арзиғулик дўконлар мавжуд эмас эди.

Пресс-тур давомида журналистлар мазкур масканда ҳам бўлиб, ҳудудда амалга оширилаётган ободончилик ва ўзгаришлар билан танишиш асосида аҳоли билан дилдан суҳбатлашди. Қолаверса, пресс-тур иштирокчилари тадбир сўнгида «Ўзмиллийбанк»нинг Сирдарё вилояти бўлимига ҳам боришди. Айни дамда «Ўзмиллийбанк»нинг Сирдарё вилояти бўлими 1 293 юридик шахс, 40 316 жисмоний шахс ҳамда 1 843 яқка тартибдаги тадбиркор билан ҳамкорликда ишлаб келмоқда.

«Обод қишлоқ» дастури доирасида юртимизда кўплаб бунёдкорлик ишлари қилинмоқда. Бу йўналишда «Ўзмиллийбанк» ҳам бир қатор самарали лойиҳаларни амалга оширмоқда. Бугунги кунда Ховос тумани «Соҳибкор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ҳам ана шундай ўзгаришлар жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.



– Бугунги кунда бўлимимизнинг умумий кредит портфели 455 млрд. сўми ташкил этади. Мазкур маблағлар асосан вилоятимизда ишлаб чиқариш ва унинг экспорт салоҳиятини оширувчи лойиҳаларга ҳамда тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлашга, янги иш ўринлари ташкил этишга қаратилган ташаббусларга йўналтирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, янги экспортчи тадбиркорларнинг ортишига хизмат қилиб, вилоятимизнинг иқтисодий кўрсаткичлари ўсишига замин яратмоқда. Бугунги пресс-тур доирасида эса журналистлар ана шу инвестицион лойиҳалар ҳамда банкимиз фаолияти билан яқиндан танишишди, – дейди **«Ўзмилийбанк» Сирдарё бўлими ходими Феруза Қамбарова.** – Қолаверса, банкимиз томонидан аҳолига сифатли банк хизматларини кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўлда бўлимимиз томонидан ходимлар учун ўқув семинарлари ташкил этилиб, уларнинг малакаси оширилмоқда. Шу билан

Яқинда банк томонидан ажратилган сармоя ҳисобига «Соҳибкор» МФЙ ҳудудида «Воҳа Баракаси» мини-маркети қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу эса соҳибкорларни узоқ йўл босиб туман марказига боришдек ташвишдан халос этди.

бирга, чекка ҳудудлар аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида кичик «Банк хизматлари марказлари» ташкил этилмоқда. Бундай имконият мижозларимиз сонини оширибгина қолмай, аҳоли билан кенгроқ ишлашга имкон бераётир.

Пресс-тур давомида юқори самарали лойиҳалар билан танишиб, бугунги ислохотлар, банкнинг молиявий кўмаги беиз кетмаётганига амин бўлдик. Энг асосийси, ҳар бир тадбиркор ўз маҳсулотини экспорт қилиш, юртимиз номини жаҳонга танитиш ҳаракатида. Бу йўлда уларга ҳамроҳ бўлаётган «Ўзмилийбанк» бор кучини юртимиз равнақига ҳисса қўшиш, экспортчи тадбиркорлар сафини янада кенгайтириш пайдан бўлмоқда.

## ABSTRACTS

### NBU FINANCES PROMISING PROJECTS

